Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 4 июль 1974 йил, пайшанба • № 155 (15.935). • Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ Р. НИКСОН билан суҳбатлашди

3 июль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев АҚШ Президенти Р. Никсон билан суҳбатлашди.

Конструктив вазиятда Совет — Америка муносабатларининг, шунингдек халқаро аҳволнинг баъзи масалалари муҳокама қилинди.

(ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА ҚЎШМА АХБОРОТИ

Олий даражадаги Совет — Америка учрашувларини мунтазам равишда ўтказиб туриш тўғрисидаги келишувга биноан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1973 йил июнида АҚШга қилган визити вақтида берилган таклифномага мувофиқ АҚШ Президенти Ричард М. Никсон рафиқаси билан 1974 йил 27 июндан 3 июлгача расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Визит вақтида Президент Р. Никсон Москвадан ташқари Минсква ва Қримнинг жанубий соҳилига борди.

Совет раҳбарлари билан АҚШ Президенти ўртасида СССР билан АҚШ муносабатларининг ҳамда дунёдаги ҳозирги вазиятнинг асосий масалалари юзасидан батафсил ва фойдали равишда фикрлашиб олинди.

Совет томонидан музокараларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико олиб бордилар.

АҚШ давлат секретари, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Генри А. Киссинжер АҚШ Президентига ҳамроҳ бўлди ва музокараларда қатнашди.

Музокараларда:

Совет томонидан — СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, ТАССнинг бош директори Л. М. Замятин ва СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко;

Америка томонидан — АҚШнинг СССРдаги элчиси Уолтер Ж. Стессел, Президентнинг ёрдамчиси Александер М. Хейг, Президентнинг ёрдамчиси ва матбуот секретари Рональд Л. Зиглер, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчисининг ўринбосари Брент, Скаукрофт, АҚШ давлат департаментининг маслаҳатчиси Хельмут Сонненфельдт, АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Артур Хартман иштирок этдилар.

Музокаралар гоят ишчан, конструктив вазиятда ўтди ва ҳар иккала томоннинг ўз ўрталарида ҳамжиҳатлик, ишонч ва тинч ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилиши билан, уларнинг халқаро хавфсизлик ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиш истаги билан характерланди.

I. СОВЕТ—АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯХШИЛАШДА ОЛҒА СИЛЖИШ

Томонлар СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг 1972 йил майида олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашуви пайтидан бери ўтган давр мобайнидаги ривожланишини батафсил кўриб чиқиб, мамнунлик билан шуни қайд қилдиларки, уларнинг биргаликда зўр сабот билан сарфланган куч-ғайратлари туфайли шу қисқа муддат ичида бу муносабатларда иккала мамлакат халқларининг ва бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида тинчлик ва кенг ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари туб бурилиш ясашга муваффақ бўлинди.

Шу билан бирга СССР билан АҚШ раҳбарларининг барқарор одат тусига кириб бораётган олий даражадаги учрашувлари улар ўртасидаги муносабатларни қулай тарзда ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтилди. Бу учрашувлар икки томонлама характердаги принципиал ва муҳим масалаларни самарали ва масъулиятли равишда муҳокама қилиб, ҳал этиш ва иккала мамлакатнинг манфаатларига даҳлдор бўлган халқаро проблемаларни бартараф этишга иккала томоннинг ҳисса қўшиши имкониятини вужудга келтирмоқда.

Иккала томон СССР Олий Совети билан АҚШ конгресси ўртасида расмий алоқалар ўрнатилганлигини табриклайди. Томонлар бундай алоқалар муҳим роль ўйнаши мумкин, деб ҳисоблаб, шу алоқаларни янада ривожлантиришни рағбатлантирадилар.

Томонлар тинч-тотув яшаш ва тенг хавфсизлик асосида, иккала томон ўртасида эришилган битимларнинг ҳамда шу битимлар юзасидан улар олган мажбуриятларнинг руҳи ва ҳарфига қатъий риоя қилиб, Совет — Америка муносабатларини актив қайта қуришни давом эттиришга иккала мамлакатнинг аҳд қилганлигини тасдиқладилар. Шу муносабат билан 1972 ва 1973 йиллардаги олий даражада ўтказилган учрашувлар натижасида қабул қилинган қўшма ҳужжатларнинг, аввало СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари, ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги битим, ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартнома ҳамда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида муваққат битим таг заминли аҳамиятга эга эканлиги яна таъкидлаб ўтилди.

Томонлар Совет — Америка муносабатларини яхшилаш жараёнига муқаррар тус бериш жуда зарур эканлигига гоят аминдирлар. Улар ўзларининг куч-ғайратлари натижасида бу мақсадга эришиш учун реал имконият вужудга келди, деб ҳисоблайдилар. Бу эса кенг миқёсдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамда совет халқи билан америка халқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун янги уфқлар очади ва шу тариқа дунё олдида турган кўпгина актуал проблемаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Томонлар шу юксак мақсадларга амал қилиб, зарур қолларда бошқа манфаатдор мамлакатлар билан ҳамкорликда, аввало энг муҳим соҳаларда, чунончи:

— уруш хавфини ва айниқса ядро қуроли ҳамда оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари ишга солинишига олиб борадиган уруш хавфини йўқотиш;

— зарур халқаро контрол остида ялпи ва тўла қуролсизланишга эришишни пировард мақсад деб назарда тутиб, қуролланиш, айниқса стратегик қуроллар билан қуролланиш пойгасини чеклаш ва оқибат натижада тўхтатиш;

— халқаро кескинлик ва ҳарбий можароларнинг манбаларини тугатишга кўмаклашиш;

— кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва бу жараённи бутун дунёга ёйиш;

— иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни ўстиришга кўмаклашишни назарда тутиб, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда кенг кўламдаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни суверенитет, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида ривожлантириш сингари соҳаларда биргаликда куч-ғайрат сарфлашни муттасил давом эттиришга қарор бердилар.

Шунга мувофиқ равишда олий даражадаги ушбу учрашув давомида томонлар янги конструктив қадамлар қўйишни мумкин деб топдилар, уларнинг фикрича бу қадамлар Совет—Америка муносабатларини янада ривожлантиришни олга силжитибгина қолмай, шу билан бирга ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб ҳам хизмат қилади.

II. СТРАТЕГИК ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРНИ ЯНАДА ЧЕКЛАШ ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШНИНГ БОШҚА МАСАЛАЛАРИ

Томонлар ўзаро муносабатларининг ядро урушининг олдини олишга ва стратегик қурол-яроғларни чеклашга боғлиқ бўлган бутун соҳасини яна бир карра синчиклаб анализ қилдилар. Улар ўз ўрталаридаги бу соҳада тузилган таг заминли битимлар Совет-Америка муносабатларини ва умуман халқаро вазиятни ялписига яхшилашнинг ҳамон таъсирли воситалари бўлиб турибди, деган якдил бир фикрга келдилар. СССР билан АҚШ шу битимлар юзасидан олган мажбуриятларини бундан буён ҳам қатъият билан бажара берадилар.

Музокаралар давомида томонлар стратегик қурол-яроғларни чеклаш проблемасининг ҳамма жиҳатларини синчиклаб кўриб чиқдилар. Улар стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида тузилган муваққат битимдан кейин Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик қурол-яроғларни чеклаш соҳасида янги битим тузилиши лозим, деган хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, бу битим 1985 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиши ва ҳам миқдор, ҳам сифат чеклашларига оид бўлиши лозим. Бу битимни ишлаб чиқиш имкони борича тез вақт ичида, муваққат битимнинг амал қилиш муддати тугагунча тамомланиши керак, деб шартлашиб олдилар.

Уларнинг якдил фикри шуки, бундай янги битим Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга халқаро кескинликни янада юмшатиш ва ялпи тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди. СССР ва АҚШ делегациялари Женевадаги музокараларни олий даражадаги Совет—Америка учрашуви давомида қилинган шу проблеманинг муҳокамасидан келиб чиқувчи йўл-йўриқлар асосида яқин келажакда бошлаб юборадилар.

Томонлар стратегик қуролнинг ҳужум турлари билан мудофаа турлари ривожи ўртасидаги ўзаро алоқани инобатга олиб ва ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида ўз ўрталарида 1972 йил майида тузилган шартнома муваффақиятли амалга оширилаётганлигини қайд қилиб, бундай системаларни жойлаштиришни қўшимча равишда чеклашни маслуб деб топдилар. Шу мақсадда улар 1972 йил шартномасига доир протокол тузадилар, бу протоколда ракетадан мудофаа системаларини жойлаштиришни мазкур шартнома ҳар бир томон учун рухсат этилган икки район ўрнига бир район билан чеклаш кўзда тутилади.

Айни вақтда «Стратегик ҳужум қуроллари учун шу қуролларни алмаштириш, йиғиштириб олиш ёки йўқ қилиб ташлаш ва шу ҳақда ахборот беришни тартибга солиш қоидалари» ҳамда «Ракетадан мудофаа системалари ва уларнинг компонентлари учун уларни алмаштириш, йиғиштириб олиш ва йўқ қилиб ташлаш ва бу ҳақда маълумот беришни тартибга солиш қоидалари» деб аталган иккита протокол имзоланди.

Бу протоколларни 1972 йил 26 майда имзоланган шартнома билан муваққат битим мақсадлари ва қоидаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун тузилган доимий маслаҳат комиссияси ишлаб чиқди.

Томонлар СССР билан АҚШ қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида имкони бўлган бошқа тадбирларни — ҳам икки томонлама асосда, ҳам кўп томонлама асосда амалга оширишга жиддий аҳамият бераётганликларини таъкидладилар.

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида 1963 йилда Москвада имзоланган ва Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари қатнашган шартноманинг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, томонлар ядро қуроли синовларини ҳамма муҳитларда тўхтатилишини ёқлаб фикр билдирдилар.

СССР билан АҚШ шу мақсадга эришишга кўмаклашиш истаги билан шу йўлдаги биринчи қадам сифатида ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисида шартнома туздилар, бу шартномада 1976 йил 31 мартдан бошлаб қуввати тегишли маррадан юқори бўлган ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиш ва бошқа ер ости синовларини энг оз миқдор билан чеклаш кўзда тутилган.

(Давоми иккинчи бетда).

РАКЕТАДАН МУДОФАА СИСТЕМАЛАРИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАГА

ПРОТОКОЛ

Қуйида томонлар деб аталувчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида 1972 йил 29 майда имзоланган ўзаро муносабатларнинг асосларидан келиб чиқиб,

ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида қуйида шартнома деб аталувчи 1972 йил 26 майда имзоланган шартнома мақсадларига кўмаклашишни истаб,

стратегик қуролларни чеклаш бўйича янада чоралар кўриш халқаро тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди, деган ўзларининг қатъий ишончларини таъкидлаб,

ракетадан мудофаа системаларини янада чеклаш стратегик ҳужум қуролларини чеклаш бўйича тўлиқроқ чоралар тўғрисида доимий битим ишлаб чиқишни тўғалламоқ учун тағин ҳам қулайроқ шароит яратади, деган фикрдан келиб чиқиб, қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

I МОДДА

1. Томонлардан ҳар бири ҳар бир шу пайтнинг ўзида ракетадан мудофаа системаларини ёки уларнинг таркибий қисмларини жойлаштиришнинг шартноманинг III моддасида кўзда тутилган икки районидан бири билан чеклانажак ва уларнинг ҳар бири ракетадан мудофаа системаларини жойлаштирмоқ учун шартноманинг III моддасида рухсат этилган икки райондан иккинчисида ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмини жойлаштиришдан иборат ўз ҳуқуқидан фойдаланмаяжак, бундан ушбу протоколнинг II моддасига мувофиқ рухсат этилган бир районни иккинчиси билан алмаштириш ҳоллари мустаснодир.

2. Шунга биноан ушбу протоколнинг II моддасида рухсат этилган ҳолдан мустасно тариқасида: Совет Иттифоқи Шартноманинг III (б) моддасида рухсат этилганидек қитъалараро баллистик ракеталарни учирувчи шахтали установкалар жойлаштирилган районда ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмларини жойлаштирмайди, Америка Қўшма Штатлари эса шартноманинг III (а) моддасида рухсат этилганидек, ўзининг пойтахти марказ қилиб олинган районда ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмларини жойлаштирмайди.

II МОДДА

1. Томонларнинг ҳар бири ўзининг ракетадан мудофаа системаси ва унинг таркибий қисмлари ҳозирги вақтда жойлаштириб қўйилган районда уларни бузиб олишга ёки йўқ қилиб ташлашга ёхуд шартноманинг III моддасида рухсат этилган бошқа районда ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмларини жойлаштиришга ҳақлидир. Аммо бунинг учун қурилиш бошланмасдан олдин доимий маслаҳат комиссиясида келишиб олинган процедурага мувофиқ 1977 йил 3 октябрда бошланадиган ва 1978 йил 2 октябрда тугайдиган йил ичида ёки ўнинчи кейинги беш йиллик интервалнинг ҳоҳланган йили ичида хабар қилиши лозим, аммо бу йиллар шартномани даврий кўриб чиқишнинг шартноманинг XIV моддасида кўзда тутилган йиллар бўлиши лозим. Бу ҳуқуқдан фақат бир марта фойдаланиш мумкин.

2. Шундай хабар қилинган тақдирда Совет Иттифоқи ўз пойтахти марказ қилиб олинган районда ракетадан мудофаа системасини ва унинг таркибий қисмларини бузиб олишга ёки йўқ қилиб ташлашга ҳамда шартноманинг III (б) моддасида рухсат этилганидек, қитъалараро баллистик ракета учириладиган шахтали установкалар жойлаштирилган районда ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмларини қуришга ҳақли бўлур эди, Америка Қўшма Штатлари эса шартноманинг III (а) моддасида рухсат этилганидек, қитъалараро баллистик ракетани учирадиган шахтали установкалар жойлаштирилган районда ракетадан мудофаа системасини бузиб олишга ёки йўқ қилиб ташлашга ва ракетадан мудофаа системасини ёки унинг таркибий қисмларини ўз пойтахти марказ қилиб олинган районда қуришга ҳақли бўлур эди.

3. Ракетадан мудофаа системаларини ёки уларнинг таркибий қисмларини бузиб олиш ёки йўқ қилиб ташлаш ҳамда қуриш ва бу ҳақда хабар бериш ракетадан мудофаа системасига доир шартноманинг VIII моддасига ҳамда доимий маслаҳат комиссиясида келишиб олинган процедураларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

III МОДДА

Шартномада тайинлаб қўйилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўз кучида қолади ва томонлар тарафидан бажарилиши лозим, бундан ушбу протоколда ўзгартирилганлари мустаснодир. Жумладан, ракетадан мудофаа системаларини ва унинг таркибий қисмларини танлаб олинган районда қуриш шартномада тайинланган даражалар билан ва бошқа талаблар билан чеклانган ҳолда қолиши лозим.

IV МОДДА

Ушбу протокол томонлардан ҳар бирининг конституцион процедураларига мувофиқ ратификация қилиниши керак. У ратификация ёрлиқлари айирбошланган куни кучга киради ва шундан сўнг шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланаверади.

Москва шаҳрида 1974 йил 3 июлда ҳар бири рус ва инглиз тилларида икки нусхада тузилди, ҳар иккала текст ҳам баб-баравар кучга эга.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

Америка Қўшма Штатлари номидан
Р. НИКСОН
Америка Қўшма Штатларининг Президенти.

СОВЕТ—АМЕРИКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

3 июлда Кремлда Совет —Америка ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди. Қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги шартномага протокол;

ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида шартнома. Шу билан бир вақтда шу шартномага протокол ҳам имзоланди; бу протокол шартнома бўйича томонларнинг мажбуриятларни бажаришларини миллий техникавий воситалар билан контроль қириб туришни таъминлаш мақсадида тегишли маълумотларни айирбошлаш тартибини белгилаб беради;

табиий муҳитга таъсир ўтказиш воситаларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ҳавфини йўқотишга қаратилган чоралар тўғрисида қўшма баёнот;

Совет — Америка қўшма ахбороти.

Мазкур ҳужжатларни Совет Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев; Америка Қўшма Штатлари номидан АҚШ Президенти Ричард М. Никсон имзоладилар.

Ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартноманинг ҳамда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи чоралар тўғрисида 1972 йилда имзоланган муваққат битимнинг мавжуд қоидаларини амалга ошириш тартибида стратегия қуролларини алмаштириш, бузиб олиш ёки йўқ қилиб ташлаш масалалари пайдо бўлиб қолган ҳолларда бу масалаларни бартараф қиладиган иккита протокол ҳам имзоланди.

Бу протоколларни:

Совет Иттифоқи номидан — СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико; Америка Қўшма Штатлари номидан — АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида: СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Г. С. Дзоценидзе, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, Б. Н. Новиков, И. Т. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Америка томонидан АҚШ Президентига ҳамроҳлик қилиб юрган Америка давлат арбоблари ҳозир бўлишди. (ТАСС).

Аргентина Республикасининг Президенти Мария Эстела Мартинес де Перон хоним жаноби олияларига

БУЭНОС-АЙРЕС.

Рафиқингиз, Аргентина Республикасининг президенти Хуан Доминго Пероннинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб қаттиқ қайғурдик.

Шу оғир жудолик муносабати билан Сизга ва Аргентина халқига самимий ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

Аргентинанинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, ўз ватани мустақиллигини мустаҳкамлашнинг эътиқодан тарафдори бўлган Хуан Доминго Перон Совет Иттифоқида зўр ҳурмат қилинар эди. У президент лавозимида бўлган вақтида мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Совет Иттифоқи иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Аргентина Республикаси билан дўстликни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам тинмай интилаверади.

Л. БРЕЖНЕВ. Н. ПОДГОРНИЙ. А. КОСИГИН.



АҚШ элчихонасида.

В. Мусаэльян ва **В. Соболев** фотоси. (ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

2 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Р. Никсон ҳамда АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва ер остида ядро қуроли синовларини чеклашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Яқин Шарқдаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш проблемаси, Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш масаласи ҳамда бошқа бир қанча халқаро проблемалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Музокараларда:

Совет томонидан — СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко;

Америка томонидан — АҚШ Президентининг ёрдамчиси А. Хейг, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчисининг ўринбосари Б. Скаукрофт, Президентнинг ёрдамчиси ва матбуот секретари Р. Зиглер, давлат департаментининг маслаҳатчиси Х. Сонненфельдт қатнашдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИ ШАРАФИГА

АҚШ Президенти Ричард М. Никсон билан рафиқаси 2 июль куни АҚШ элчихонасида Совет раҳбарлари шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, А. А. Гречко, А. А. Громико, Ф. Д. Кулаков, А. Н. Шелепин, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Г. С. Дзоценидзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. А. Кириллин, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Зиёфатда АҚШ президенти билан бирга АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер, АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Д. Стессел, Президентга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа расмий кишилар бўлдилар.

Зиёфатда АҚШ Президенти Ричард М. Никсон нутқ сўзлади.

(Давоми учинчи бетда).

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Р. Никсон ва АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер ўртасидаги музокаралар 3 июль куни Кремлда ниҳоясига етказилди.

Олий даражадаги ҳозирги Совет — Америка учрашувининг умумий якунлари чиқарилди. Шундан кейин Совет — Америка ҳужжатлари имзоланди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ НУТҚ СЎЗЛАДИ

2 июлда Америка Қўшма Штатларининг Президенти Р. Никсон Совет Иттифоқининг марказий телевидениеси орқали нутқ сўзлади. Президентнинг нутқи «Интервидение» ва «Евровидение» системалари орқали трансляция этилди.

(ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА ҚЎШМА АХБОРОТИ

(Бошы биринчи бетда).

Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг катта аҳамиятини таъкидладилар. Улар шу шартномага мувофиқ, жумладан унинг VI моддасига мувофиқ ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга иккала томоннинг бўлган муддаосини яна тасдиқлаб, бу шартноманинг самарадорлигини янада оширишни ёқлаб чиқдилар.

Қўшма баёнот ҳам имзоланди, бу баёнотда СССР билан АҚШ табиий муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланиш хавф-хатарини тугатиш соҳасида эҳтимол тутилган энг самаралы тадбирларни амалга оширишни ёқлаб чиқадилар.

Томонлар химиявий қурол каби хатарли оммавий қирғин қуролини давлатларнинг аслаҳаҳоналаридан чиқариб ташлай оладиган самарали халқаро битимдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. СССР билан АҚШ бу йўлда тез, роқ олга силжишга эришишга кўмаклашиш истаги билан қуролсизланиш комитетида биринчи қадам сифатида уруш олиб боришнинг энг хатарли, қирғин келтирувчи химиявий воситаларига тааллуқли халқаро конвенция тузиш хусусида биргаликда ташаббус кўрсатиш масаласини кўриб чиқишга аҳд қилишдилар.

Томонлар шунга аминдирларки, улар қуролсизланиш йўлида бундан буён сарфланадиган куч-ғайратлар каби қурол-яроғларни чеклаш соҳасида ўзлари қўйган ва қўймоқчи бўлган янги муҳим қадамлар халқаро кескинликни юмшатишга кўмаклашади ва урушни инсоният жамияти турмушидан чиқариб ташлаш ва шу тариқа ялпи тинчликни таъминлашдан иборат тарихий вазифани ҳал этишга қўшилган сезиларли ҳисса бўлади. Қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини тегишли вақтда чақириш бу жараёнда ижобий роль ўйнаши мумкин, деган фикрни СССР ва АҚШ яна бир карра тасдиқладилар.

III. ХАЛҚАРО ПРОБЛЕМАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ОЛҒА СИЛЖИШ

Учрашув давомида энг асосий халқаро проблемалар батафсил муҳокама қилинди.

Иккала томон шуни мамнуният билан қайд этдики, кескинликнинг юмшаши, тинчликнинг мустаҳкамланиши ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши халқаро вазиятни ривожлантиришнинг тобора кўпроқ ўзига хос белгиси бўлиб қолмоқда.

Бунда томонлар халқаро вазиятни яхшилашда олға томон қилинаётган ҳаракат ўз-ўзидан содир бўлмай, балки ўтмишдан қолиб келаётган қийинчиликларни бартараф этиш учун аниқ мақсадни кўзлаб, актив куч-ғайрат сарфлашни талаб қилишига асосланадилар.

Дунёнинг ҳамма районларида мустаҳкам хавфсизликни яккаякка ва коллектив асосда таъминлаш, мавжуд халқаро можароларни ва кескинлик манбаларини тезроқ ва тўла-тўкис бартараф этиш ҳамда янги можаролар ва кескинлик манбалари келиб чиқишининг олдини олиш барча давлатлар ва халқларнинг асосий мақсади бўлиб қолиши лозим.

Совет Иттифоқи билан АҚШ катта ва кичик барча давлатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат негизларидаги кенг ва самарали иқтисодий ҳамкорлик қилишининг тарафдоридирлар.

Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар — ҳар бир томон алоҳида-алоҳида ва иккаласи биргаликда барча ана шу вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашишга аҳд қилганликларини тасдиқлайдилар.

ЕВРОПА

Томонлар олий даражадаги кейинги Совет-Америка учрашувидан сўнг Европадаги вазиятнинг ривожини муҳокама қилиб, Европа қитъасида мустаҳкам тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини вужудга келтириш йўлида яна ҳам сезиларли силжишларга эришилганлигини зўр мамнуният билан таъкидладилар.

Томонлар Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бу ҳайрли жараёнга қўшаётган катта ҳиссани табриклайдилар.

Улар кўпгина муҳим масалалар юзасидан кенгаш қилган катта ишни таъкидлаб, бу соҳадаги силжиш кенгашнинг ҳозирги босқичи якунида катта халқаро аҳамиятга эга бўлган, ва шу кенгашда қатнашувчи давлатларнинг ўз муносабатларини коллектив бўлиб ишлаб чиқилган қатъий асосга қуриш аҳдини ифодалайдиган ҳужжатлар келишиб олинишини кўрсатиб турибди, деб ҳисоблайдилар. СССР билан АҚШ кенгашнинг бошқа қатнашчилари билан биргаликда қолган масалалар хусусида ҳамма учун мақбул бўлган қарорларга келиш йўлида барча куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Томонлар Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли тугалланиши мустаҳкам тинчлик ўрнатиш манфаатларига мос бўлиб тушадиган шонли воқеа бўлиб қолишига ўзларининг ишончлари комил эканликларини изҳор этдилар. Шунга асосланиб СССР билан АҚШ кенгашнинг якунловчи босқичи яқин вақт ичида ўтказилишини ёқлаб чиқдилар. Иккала томон музокараларнинг натижалари кенгашни олий даражада тугаллаш имконини беришига ҳам асосланадилар, бу эса кенгашнинг Европанинг келажаги учун бўлган тарихий моҳиятига мос бўлиб тушган ва унинг қарорлари катта обрў-эътибор қозонишига олиб келган бўлур эди.

Томонлар кейинги йилларда тўрли ижтимоий системадаги Европа давлатлари ўртасида тузилган шартномалар ва битимларнинг Европадаги вазиятни қулай тарзда ривожлантириш учун доимий аҳамиятга эга эканлигини яна бир карра қайд қилдилар.

Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги хусусида мамнуният изҳор этилди.

Томонлар 1971 йил 3 сентябрдаги тўрт томонлама битим Европадаги стабилликни таъминлашда ва кескинликни юмшатишда муҳим роль ўйнайвериши лозимлигини ҳам таъкидладилар. Бу битимни ҳамма томонлар қатъий ва изчил бажаришини СССР билан АҚШ Европа марказидаги ўзаро ишонч ҳамда стабилликни давом эттириш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт деб ҳисоблайдилар.

СССР билан АҚШнинг фикри шуки, Европада стабилликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида шу қитъадаги сиёсий кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш тадбирларини ҳам кўриш лозим бўлур эди. Шу муносабат билан улар қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш ва Марказий Европадаги шу билан боғлиқ бўлган тадбирлар тўғрисида ўз иштирокларида олиб борилаётган музокараларга катта аҳамият берадилар. Томонлар бу музокаралар томонлардан биронтасининг хавфсизлигига зарар етказмасликни ва бир томонлама ҳарбий устунликларга йўл қўймасликни таъминлайдиган конкрет қарорларга эришишга олиб боради, деб умид билдирдилар.

ЯҚИН ШАРҚ

Томонларнинг фикрича, Яқин Шарқдаги уруш хавфини ва кескинликни йўқотиш шошилинч равишда ҳал этилиши лозим бўлган жуда муҳим вазифа бўлиб, Хавфсизлик Кенгашининг 338-резолюцияси асосида можаронн одилона ва мустаҳкам равишда тинч бартараф этишга эришиш бирдан-бир йўлини йўлдир, бунда Яқин Шарқдаги ҳамма халқларнинг, шу жумладан Фаластин халқининг қонуний мафаатлари ҳамда мазкур райондаги барча давлатларнинг яшаш ҳуқуқи инобатга олиниши зарур.

СССР билан АҚШ Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференциясининг ҳамраислари сифатида бу конференция ўз ишини имкони борича тезроқ бошлаб юборишн муҳим, конференцияда Яқин Шарқ районидан қатнашадиган бошқа мамлакатлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишни Женева сулҳ конференциясининг бош мақсади деб биладилар, шу мақсадга эришишга иккала томон ҳар томонлама кўмаклашадилар.

СССР билан АҚШ ўртасида иккала мамлакатнинг Яқин Шарқдаги аҳволни тинч бартараф этиш йўлидаги куч-ғайратларини мувофиқлаштириб туриш учун мустаҳкам алоқа давом эттирилади, деб аҳдлашилди.

ҲИНДИ-ХИТОЙ

Томонлар Ҳинди-Хитойдаги вазият муайян равишда анча яхшиланганлигини қайд қилдилар.

Вьетнамдаги вазият тўғрисида фикрлашиш давомида томонлар шуни таъкидладиларки, 1973 йил 27 январь Париж битимининг ва Вьетнамга бағишланган халқаро конференциянинг 1973 йил 2 март ҳужжатининг қоидаларига ҳамма томонлар қатъий риоя қилиши асосидагина бу районда тинчлик ва стабиллик сақланиши ҳамда мустаҳкамланиши мумкин.

Лаосга келганда, у ерда коалицион маъмурият органлари тузилиши натижасида аҳволни нормаллаштиришда силжиш содир бўлди. Томонлар тегишли битимларни оғишмай бажаришни ҳам ёқлаб фикр билдирдилар.

Томонлар Камбоджа проблемасини Камбоджа халқининг четдан ҳеч кимнинг аралашувисиз эркин ва мустақил ривожланишдан иборат суверен ҳуқуқларини ҳурматлаш асосида тезроқ ва одилона ҳал этиш зарурлигини ҳам таъкидладилар.

БМТ РОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш қуроли бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига катта аҳамият берадилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг самарадорлигини, шу жумладан унинг БМТ Уставига қатъий риоя қилиш асосида тинчликни сақлаш борасидаги самарадорлигини ҳар томонлама оширищ мақсадида ўз куч-ғайратларини давом эттириш ниятида эканликларини яна бир карра тасдиқлайдилар.

IV. САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Учрашув давомида савдо-иқтисодий соҳада СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва истиқболларини кўриб чиқишга катта эътибор берилди.

Томонлар бу соҳадаги ўзаро манфаатли алоқаларни тенглик ва камситмаслик асосида кенгайтириш ва ривожлантириш Совет-Америка муносабатларининг бутун комплексини қуриш учун қўйиладиган пойдеворнинг муҳим қисмидир, деб ҳисоблаётганликларини таъкидладилар. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг иккала мамлакат потенциалларига мос бўладиган даражада янада кенг кўлам касб этиши бу пойдеворни мустаҳкамлайди ҳамда совет халқи билан америка халқига фойда келтиради.

Олий даражадаги аввалги учрашувдан бери Совет-Америка савдо-иқтисодий муносабатлари умуман ривожланиш йўлидан борганлигини томонлар мамнуният билан таъкидладилар. Бу нарса, жумладан, иккала мамлакат ўртасидаги товар оборота анча ўсиб, 1973 йилда 1,5 миллиард долларга етай деб қолганлигида ўз ифодасини топди. 1973 йил 24 июндаги Совет-Америка қўшма ахборотида 1973 йилдан 1975 йилгача бўлган уч йиллик давр ичида савдо-сотиқнинг умумий ҳажмини иккиуч миллиард долларга етказиш хусусида қўйилган мақсаддан ўзиб кетиш учун қулай истиқболлар борлиги таъкидланди. Савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи Совет-Америка қўшма комиссияси иқтисодий муносабатларни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали механизм бўлиб келмоқда.

Томонлар Америка фирмалари билан Совет ташкилотларининг катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш соҳасидаги, шу жумладан компенсация асосидаги узоқ муддатли ҳамкорлигини йўлга қўйишда муайян силжишга эришилганлигини қайд қилдилар. Улар бундай ҳамкорлик иккала мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда муҳим элемент бўлишига аминдирлар. Томонлар Совет ва Америка ташкилотлари ҳамда фирмалари ўртасида тегишли битимлар тузилишини ва битимларнинг амалга оширилишини рағбатлантириш тўғрисида келишиб олдилар.

Томонлар бир қанча конкрет лойиҳалар соҳасида, шу жумладан юк автомобиллари ишлаб чиқариш, савдо маркази, кимёвий ўғитлар соҳасида олға томон силжиш бўлганлигини ҳисобга олиб, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа соҳаларда ҳам, чунончи, целлюлоза-қоғоз ва ўрмон саноати, қора ва рангли металлургия, табиий газ, машинасозлик, шунингдек кўп энергия талаб қиладиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида тегишли битимлар тузиш имконияти борлигини қайд қилдилар.

Томонлар иккала мамлакатнинг савдо-саноат доиралари ўртасидаги самарали ҳамкорлик ва алоқалар янада ривожланганлигини, бунда олий даражада ўтказилган аввалги учрашувда Вашингтонда СССРнинг савдо ваколатхонасини ва Москвада АҚШнинг коммерсия бюросини очиш тўғрисида, шунингдек Америка-Совет савдо-иқтисодий кенгашини таъсис этиш тўғрисида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ижобий роль ўйнаганлигини таъкидладилар. Улар СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни бундан буён ҳам яратиб бериш истагида эканликларини изҳор қилдилар.

Савдо-сотиқ тўғрисида 1972 йил октябрда тузилган Совет-Америка битимини тезроқ кучга киритишдан иккала томон ўзининг манфаатдор эканлигини билдирди.

Томонлар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш истагида СССР билан АҚШ ўртасида экономика, саноат ва техника соҳасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш тўғрисида узоқ муддатли битимни имзоладилар. Уларнинг фикри шуки, шу битимда кўзда тутилган ҳамкорликни ўн йиллик давр ичида изчиллик билан амалга ошириш умуман икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлади, иккала мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат килади.

Кема қатновининг баъзи масалалари хусусида 1972 йил октябрида уч йиллик муддатга тузилган битим қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиб ва шу пайтгача орттирилган тажрибани ҳисобга олиб, томонлар шу битимнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар бу соҳада янги битим тузиш лозимлигини айтдилар. Бу битим тўғрисидаги музокаралар шу йил бошланади.

V. ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОШҚА СОҲАЛАРИДАГИ СИЛЖИШ

Томонлар 1972—73 йилларда ҳамкорлик тўғрисида битимлар қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиб, Совет-Америка қўшма комиссиялари ва иш группалари шу битимлар доирасида иккала мамлакатнинг илмий ва техникавий ташкилотлари, олимлари ва мутахассислари, маданият арбоблари ўртасида мунтазам алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида фойдали иш қилганлигини қайд этдилар.

Томонлар мамнуният билан шуни таъкидлайдиларки, ҳамкорликнинг медицина фани ва соғлиқни сақлаш, инсон атрофидаги муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш, фан ва техника, космик фазони ва жаҳон океанини тадқиқ қилиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт сингари соҳаларида СССР билан АҚШнинг куч-ғайратларини бирлаштириш инсоният олдида турган бир қанча актуал ва мураккаб илмий-техникавий проблемаларни жалб ҳал этиш учун шарт-шароит яратади.

Бу тарздаги ҳамкорлик Совет-Америка муносабатларининг структурасини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади, бу муносабатларга янада конкрет ижобий мазмун бахш этади.

Томонлар ўз ўрталарида тузилган битимлар асосида илмий-техникавий ҳамкорликни ва маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга интилавердилар.

Илмий-техникавий ҳамкорлик ишидаги ижобий тажрибага таяниб ва ўзларининг ўзаро муносабатларидаги бу муҳим соҳада янада тараққиёт бўлишини таъминлашга интилиб, томонлар бундай ҳамкорликни қуйидаги янги соҳаларга ёйишга қарор қилдилар.

ЭНЕРГЕТИКА

Ҳар иккала мамлакат саноатининг, транспортининг ва бошқа хўжалик тармоқларининг энергияга ўсиб бораётган талабини ва шу муносабат билан энергиянинг анъанавий манбаларидан фойдаланишдаги ва янги манбаларини ўзлаштиришдаги оптимал методларни ишлаб чиқишда илмий-техникавий ҳамкорликни интенсивлаштириш зарурлигини, шунингдек ҳар иккала томоннинг энергетика программаларини ва проблемаларини тушунишга кўмаклашишни ҳисобга олиб, томонлар энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим тузадилар. Шу мақсадда тузиладиган Совет — Америка қўшма комиссияси битимининг бажарилиши учун масъулдир.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚА ХИЛ ҚУРИЛИШЛАР

Томонлар уй-жой қурилиши ва бошқа қурилишлар соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоладилар. Бу битимдан кузатилган мақсад биноларнинг ва қурилиш материалларининг пишиқлигини ва сифатини ошириш, сейсмик районларда ва иқлим шароити мураккаб районларда янги шаҳарларни планлаштириш ва бино қилиш сингари соҳалар бўйича уй-жой қуриш ва бошқа хил қурилишларнинг замонавий методлари билан алоқадор проблемаларни биргаликда ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир. Бу битимни амалга оширмоқ учун уй-жой қурилиши ва бошқа хил қурилишлар соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет — Америка қўшма комиссияси тузилади ва у конкрет иш программаларини белгилаб беради.

Зилзилалар бўлиб турадиган районларда яшаб турган одамлар ҳаёти учун кўпроқ бехатарликни таъминлаш мақсадида томонлар шу районлардаги биноларнинг ва бошқа иншоотларнинг пишиқлигини ошириш мақсадида биргаликда олиб бориладиган тадқиқотлар программасини, жумладан, тайёр йиғма конструкциялардан қурилган уй-жой биноларининг зилзила вақтида ўзини қандай тутишига доир проблемаларни тадқиқ қилиш программасини биринчи навбатда амалга оширишга аҳдлашдилар.

СУНЪИЙ ЮРАК ПРОБЛЕМАСИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

Медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасида қўшма программаларни амалга ошириш давомида ҳар иккала мамлакатнинг олимлари ва мутахассислари ҳозирги замон медицина фанининг энг катта ва инсонпарварлик проблемаларидан бирини ҳал этиш — сунъий юрак яратиш мақсадида олиб борилаётган ишларга бутун куч ва ғайратни қаратиш зарур, деган хулосага келдилар. Қилинадигай ишларнинг назарий ва техникавий жиҳатдан ғоят мураккаблигини ҳисобга олиб, томонлар бу масалага доир махсус битим туздилар. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет—Америка қўшма комиссияси бу лойиҳанинг амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

КОСМОС СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Совет ва Америка космик кемалари «Союз» ва «Аполлон»нинг учувчилар бошқарган ҳолда биргаликда 1975 йилда биринчи учиши, шу учиш чоғида уларнинг бир-бири билан туташтирилиши ва космонавтларнинг бир кемадан иккинчи кемага ўтиши мўлжаллаб қўйилганлиги муносабати билан бу учишга тайёргарлик муваффақиятли бораётганлигидан томонлар мамнун бўлганликларини изҳор этдилар. Амалдаги битимларга мувофиқ космик фазони тадқиқ қилиш билан алоқадор бошқа бир қанча соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Тинч мақсадларда космосни тадқиқ этишда, шу жумладан, одамнинг космосда учиши бехатар бўлишини таъминловчи системаларни пишиқтириш ишида Совет — Америка ҳамкорлигини янада давом эттиришга катта аҳамият бериб ва бу соҳадаги тажрибани мустаҳкамлаш матлублигини ҳисобга олиб, томонлар 1975 йилнинг июль ойига мўлжалланган Совет — Америка космик учиши амалга оширилгандан кейин биргаликда бажариладиган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганишни давом эттиришга аҳдлашдилар.

КЕЛАЖАК ТРАНСПОРТИ

Транспортнинг перспектив воситаларини ривожлантиришнинг аҳамиятини эътироф қилиб, томонлар келажакнинг ер устида ғоят тез юрадиган, транспортнинг тежамли, самарали ва ишончли формаларини таъминлаши мумкин бўлган транспорт системалари, шу жумладан магнит кучи билан юрадиган поезд биргаликда ишлаш учун матлуб ва янги соҳа бўлур эди, деган бамаслаҳат фикрга келдилар. Транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 1973 йилги битимга мувофиқ, бу соҳадаги тадқиқотларда қўшма программани ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган иш группаси транспорт бўйича Совет — Америка қўшма комиссиясининг шу йил кузда ўтказиладиган мажлисида тузилади.

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишида СССР билан АҚШ ўртасида 1972 йил май ойида тузилган битим доирасида муваффақиятли равишда амалга оширилаётган ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда маориф, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) ташаббуси билан ўтказилаётган «Одам ва биосфера» халқаро программасини бажаришга ҳисса қўшиш ниятида томонлар ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг генетика жиҳатидан қимматли зотларини, экологик системаларни сақлаб қолиш ҳамда жаҳондаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича одамнинг таъсир ҳам самаралироқ фаолияти учун зарур бўлган илмий-тадқиқотларни ўтказиш учун ўз мамлакатларининг территорияларида муайян табиий зоналар — биосфера қўриқхоналари ажратиб қўйишга шартлашдилар. Бу лойиҳани амалга ошириш ишлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича илгари тузилган Совет — Америка қўшма комиссияси томонидан ЮНЕСКОнинг мазкур программасидаги мақсадларга мувофиқ ўтказилажак.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

Ҳамжиҳатликни яхшилаш воситаси сифатида маданий ҳамкорликнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, томонлар санъат асарларининг катта коллекцияларини айирбошлаш хусусида СССР Маданият министрлиги билан Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи аҳдлашиб қўйганлигидан ўзларининг мамнун бўлганликларини изҳор этдилар. Коллекцияларни бундай айирбошлаш алоқалар, айирбошлашлар ва ҳамкорлик тўғрисида 1973 йил 19 июнда имзоланган умумий битимга мувофиқ амалга оширилади, шу битимга кўра, томонлар ҳар иккала мамлакат музейлари ўртасида виставкаларни айирбошлашга кўмаклашишга розилик билдирдилар.

ЯНГИ КОНСУЛХОНАЛАР ТАЪСИС ЭТИШ

СССР билан АҚШ ўртасида алоқалар тез ривожланиб бораётганлигини ва Совет — Америка консуллик конвенцияси асосида консуллик муносабатларини янада кенгайтиришнинг аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ, туризм ва турли соҳаларда ҳамкорлик қилишишга кўмаклашишни истаб томонлар ҳар иккала томоннинг икки-уч шаҳрида қўшимча бош консулхоналар очиш тўғрисида шартлашдилар.

Биринчи қадам тариқасида Нью-Йоркда СССР бош консулхонасини ва Киевда АҚШ бош консулхонасини айни бир вақтда таъсис қилиш тўғрисида асосан келишиб олинди. Бу келишувни амалга ошириш мақсадида музокаралар яқин фурсатда ўтказилади.

* * *

Томонлар ушбу учрашув чоғида ўз ўрталаридаги музокаралар очиқ кўнгиллилик билан ва конструктив характерда ўтганлигини ва самарали натижалар берганлигини юксак баҳоладилар. Улар шу нарсага аминдирларки, бу натижалар ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати учун СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш йўлида янги муҳим босқич бўлади, уларнинг ялпи тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу муносабат билан томонлар олий даражадаги Совет — Америка учрашувларининг ғоят муҳимлигини ва амалий жиҳатдан катта фойдали эканлигини яна бир марта қайд қилиб, бундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туриб, ўзлари зарур деб топганлари тақдирда эса, ошиғич масалаларни муҳокама қилмоқ ва ҳал этмоқ учун ҳам учрашувлар ўтказиш тўғрисида ўзларининг келишиб олганликларини таъкидладилар. Шунингдек, томонлар актив ва мустаҳкам алоқаларни ва маслаҳатлашувларни давом эттиришга ўзларининг тайёр эканликларини ҳам айтдилар.

АҚШ Президенти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни 1975 йилда расмий визит билан Америка Қўшма Штатларига таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Москва, 1974 йил 3 июль.

Л. БРЕЖНЕВ
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Р. НИКСОН
Америка Қўшма Штатларининг Президенти.

Кремлда қабул

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 3 июлда АҚШ Президенти Ричард М. Никсон ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

Катта Кремль саройининг Георгий залида ўтказилган қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Г. С. Дзоценидзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Қабул маросимида Америка томонидан АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер, АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Д. Стессел, АҚШ президентига ҳамроҳ бўлиб келган бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Совет Иттифоқидаги дипломатия элчихоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари меҳмон сифатида қатнашдилар.

Қабул маросими бошланиши олдидан Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро этилди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга, бошқа совет раҳбарларига, шунингдек АҚШ президенти Ричард Никсонга «Союз — Аполлон» программаси бўйича биргаликда ўтказиладиган Совет — Америка космик парвозига тайёргарлик кўришда қатнашаётган америка ва совет космонавтлари таништирилди.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

АҚШ Президенти Р. Никсон жўнаб кетди

Расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Президенти Ричард М. Никсон рафиқаси билан 3 июлда Москвадан АҚШга жўнаб кетди.

АҚШ Президентининг ёрдамчиси А. Хейг, президент ёрдамчиси ва матбуот секретари Р. Зиглер, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчисининг ўринбосари Б. Скаукрофт, бошқа расмий кишилар Р. Никсон билан бирга Москвадан жўнаб кетдилар.

Внуково аэродроми Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин ҳурматли меҳмонни кузатиб қўйиш учун аэродромга келдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Г. С. Дзоценидзе, СССР Министрлар Советининг ўринбосарлари И. В. Архипов, В. А. Кириллин, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари Б. П. Бугаев, Т. Б. Гуженко, В. П. Елютин, Б. В. Петровский, Е. А. Фурцева, СССР министрларининг биринчи ўринбосарлари В. В. Кузнецов, М. Р. Кузьмин, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари Г. К. Цинев, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. П. Исаев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров ва бошқа расмий кишилар ҳам АҚШ Президентини кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги элчиси, У. Д. Стессел ҳам бор эди. Элчихонанинг дипломатия ходимлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам шу ерда эди.

Учиш майдонида СССР Қуролли Кучларининг уч тури — пиёдалар, учувчилар, денгизчиларнинг фахрий қоровули саф тортиб турди. АҚШ Президенти фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилди.

Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев билан Р. Никсон совет қўшинлари сафи олдидан ўтадилар. Улар аэродромга тўпланган москваликлар ёнига келадилар. АҚШ Президенти улар билан самимий хайрлашади.

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, А. А. Громико, А. Ф. Добринин самолёт пиллапояси ёнида Р. Никсон билан хайрлашадилар.

В. П. Брежнева, Л. Д. Громико, И. Н. Добринина ҳам Р. Никсонни ва унинг рафиқасини кузатиб қолдилар.

Кремлдаги резиденциясидан аэропортгача бўлган йўлда АҚШ Президенти Р. Никсонни, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигинни Москва аҳолиси кузатиб қолди.

Мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигида автомашиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар АҚШ ва СССР давлат байроқлари билан безатилган эди.

* * *

АҚШ давлат секретари, президентнинг хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер шу куниёқ Москвадан ГФРга жўнаб кетди.

(ТАСС).

ДИПЛОМАТИЯ ЭЛЧИХОНАЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИ ТАНИШТИРИЛДИ

3 июлда Кремлда Америка Қўшма Штатлари Президенти Ричард М. Никсонга СССРдаги дипломатия элчихоналарининг бошлиқлари таништирилди.

Чет эл дипломатларини СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров таништирди.

Чет эл дипломатларини таништириш маросимида АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер, АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Д. Стессел ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧРАШУВЛАР

Парламентлараро иттифоқ кенгашининг раиси, Ҳиндистон Республикаси парламенти халқ палатасининг спикери Г. С. Дхиллон Ўзбекистон билан танишувни тугаллади. Ҳиндистоннинг собиқ Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри 1966 йилда яшаган шаҳар четидаги дачани 3 июль куни бориб кўрди. Сўнгра меҳмон Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди.

Кечқурун Г. С. Дхиллон Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИ ШАРАФИГА

Ричард М. НИКСОН нутқи

(Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Брежнев жаноблари!

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Подгорний жаноблари!

СССР Министрлар Советининг Раиси Косигин жаноблари!

Атоқли меҳмонларимиз, Совет Иттифоқи ва АҚШнинг вакиллари!

Бош секретарь жаноблари, бизга ва ҳамма ҳамроҳларимизга бу ерда кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун барчамизнинг қалбимизда жўшаётган чексиз миннатдорчилик туйғусини сўз билан ифодалаш қийин. Шу уйда бизнинг меҳмонларимиз сифатида сизнинг ҳозир бўлишингиз бугун биз учун катта шарафдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Брежнев жаноблари, Олий Совет Президиумининг Раиси Подгорний жаноблари, Министрлар Советининг Раиси Косигин жаноблари! Ўтган шу беш кунга назар ташлаб, биз унутилмас тассуротлар олганлигимизни сезиб турибмиз. Биринчи оқшом Кремлда ажойиб зиёфат берилди. Большой театрда кўрсатилган гўзал томоша бизга музика, рақс, қўшиқлар ёрдамида Совет Иттифоқининг ҳамма жойларини тасаввур қилиш имконини берди. сўнгра биз, ҳар ҳолда мен ўзим Қримга, Ореандага биринчи марта боришга муяссар бўлдим, ниҳоят кеча Минскка визит қилдик.

Биз ҳаммамиз мушкул аҳволга тушиб қолдик, чунки сизлар бизга шу қадар зўр иззат-икром кўрсатдингизки, биз яна бир йилдан кейин Америка Қўшма Штатларига ташриф буюрганингизда бунга лойиқ иззат-икром кўрсата олишимизни билмай турибмиз. Аммо мен ишонтириб айта оламанки, сизни самимий кутиб оладилар ва биз мен биринчи бор Совет Иттифоқига Президент сифатида келганимда — икки йил аввал асос солинган тараққиётни давом эттиришга интилямиз.

Эртага биз учрашувларимизнинг якунловчи ҳужжатларини имзолаймиз. Ҳозиргача имзоланган ҳужжатлар билан бирга, уларнинг ҳаммаси биргаликда Совет — Америка муносабатларида эришилган каттагина тараққиётнинг, уруш хавфини камайтириш, ҳамма одамларимиз тинчлик неъматларидан тобора кўпроқ баҳраманд бўла олади, деган ишончни мустаҳкамлашдан иборат умумий мақсадларимизга эришиш йўлидаги тараққиётнинг рамзи бўлади.

Кеча мен Белоруссиядаги Хатинь ёдгорлигини зиёрат қилганимда кўп нарсаларни ўйладим. Бугун — телевиденне орқали гапирадиганима қишлоқ темирчиси Иосиф Каминскийни тилга олдим. У ерда шу темирчининг қиёфаси, ҳалок бўлган 15 яшар ўғлини қўлида кўтариб турган кишининг қиёфаси бронзада тасвирланган. Ўша пайт мен кўп нарсаларни ўйладим, бироқ аввало шу қадар норасида умри ҳазон бўлмаганида бу бола қандай одам бўлиб етишиши мумкинлигини ўйладим. Эҳтимол у улуғ олим бўлиб етишар эди, эҳтимол оромбахш музика ёза оладиган ёки санъатнинг гўзал дурдоналарини яратадиган инсон бўларди. Эҳтимол, у медицина соҳасида ишлаб инсониятга азоб бераётган рак ёки бошқа хатарли дардларни даволаш йўлларини топиши мумкин эди.

Мен сиз билан ва сизнинг ўртоқларингиз билан биргаликда қилаётган ишларимиз тўғрисида ўйлаганимда сиз билан биз болаларимиз, набираларимиз ва авараларимиз, дунёда яшайдиган ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун ишлаётганлигимизни англайман. Биз бир учрашувда ёки хатто икки ёхуд уч учрашув давомида ҳам пировард мақсадимизга эриша олмаймиз, аммо, тараққиётга изчиллик билан интилишни, тараққиётга эришишни давом эттириб, ҳар галги янги учрашув натижасида биз халқларимиз учун ва бошқа барча халқлар учун мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ишига катта ҳисса қўша берамиз. Биз қилаётган ишларнинг ҳаммасини халқларимиз қўллаб-қувватламаса, буларнинг ҳаммасига ўтмишда ҳам ҳозир ҳам эришиш мумкин бўлмас эди, назаримда келажакда ҳам эришиш мумкин бўлмаган бўлур эди.

Совет Иттифоқига қилган сафарларим тажрибасидан шуни биламанки, сизнинг сиёсатингизни Совет Иттифоқи халқининг жуда катта кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда. Сизнинг сиёсатингиз уруш хавфини камайтиришга, янада мустаҳкам тинчлик учун шарт-шароитни кўпайтиришга қаратилган.

Мен ҳам сизларни ишонтириб айта оламанки, бизнинг халқларимиз ўртасидагина эмас, шу билан бирга раҳбарларимиз ўртасида ҳам янада мустаҳкам ва дўстона ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган сиёсатимизни Америка халқининг жуда кўпчилиги қўллаб-қувватламоқда.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, биз ҳозиргача эришган ва келажакда эришадиган тараққиёт халқларимизнинг қўллаб-қувватлашидан ташқари яна шу халқларнинг раҳбарлари кўрсатаётган ташаббуслар туфайли ҳам юзага чиқиши мумкин. Шу учрашувлар вақтида ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси мамлакатларимизнинг раҳбарлари ўртасида вужудга келган шахсий ўзаро муносабатларни, шахсий дўстликни юксак қадрладилар. Зотан бизнинг фикримиздаги тафовутлар қандай бўлишидан қатъи назар, биз бир-биримиз билан дўст сифатида учраша олмаганимизда, бу тафовутларни бартараф этишга ҳеч қачон муваффақ бўлиш насиб этмаслигини тушуниб турибмиз.

Шу боисдан ҳам бугун мен Бош секретарь Брежневнинг соғлиғи учун, Олий Совет Президиумининг Раиси Подгорнийнинг соғлиғи учун, Министрлар Советининг Раиси Косигининг соғлиғи учун ва барча совет меҳмонларимизнинг соғлиғи учун ўтган икки йил мобайнида вужудга келган дўстлик руҳида қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан. Биз расмий лавозимларни эгаллаб турган сизлар учун қадаҳ кўтарамиз, аммо бундан ҳам муҳимроғи сизларнинг сиҳат-саломатлигингиз учун қадаҳ кўтарамиз, чунки сизлар дўстсизлар, хусусан шунинг учунки, ўртамизда вужудга келган самимий шахсий ўзаро муносабатлар мамлакатларимизнинг халқлари астойдил интилаётган мустаҳкам тинчликни қуриш ишига янада кўпроқ ҳисса қўшишимизга кўмаклашади.

Хуллас, Бош секретарь Брежневнинг ва бошқа ҳамма атоқли Совет меҳмонларимизнинг соғлиғи учун! Совет ва Америка халқлари ўртасидаги дўстлик учун, ҳамма халқларга тинчлик учун, шу ўзаро муносабатлар туфайли қурилиши мумкин бўлган тинчлик учун! Шуларнинг ҳаммаси учун мен қадаҳ кўтаришни истайман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарама Никсон хоним!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Президент жаноблари, аввало бизнинг мамлакатимиз ва халқимиз шаънига айтган дўстона сўзларингиз ва истакларингиз учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Совет ишчилари ҳам Америка халқига ҳурмат ва дўстлик туйғулари билан қарамоқдалар.

Биз шунга аминмизки, бу ўзаро яхши ҳис-туйғулар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тинчлик ва ҳамкорлик йўлидан олға ривожлана боргани сайин тобора ўсиб, мустаҳкамланаверади.

Президент жаноблари сизнинг визитингиз, шу билан бирга музокараларимиз ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Аввалги икки учрашув каби бу учрашувнинг натижаларини ҳам ижобий деб салмоқли, деб аташ учун ҳозирнинг ўзидаёқ сиз билан бизнинг ҳамма асосларимиз бор.

Бу ўринда мен, аввало Совет — Америка муносабатларида ҳақли равишда марказий соҳа деб аташ мумкин бўлган уруш хавфини камайтириш ва қуролланиш пойгасини камайтириш соҳасида қўйилган янги қадамларни назарда тутаман.

Биз ҳали бир қанча муҳим битимлар ва СССР раҳбарлари билан АҚШ раҳбарларининг музокаралари тўғрисидаги якунловчи қўшма ахборотни имзолашимиз керак. Шу ҳужжатларнинг конкрет мазмунини аввалдан айтиб ўтирмасдан, фақат шуни таъкидламоқчиманки, иккала мамлакатнинг ракетадан мудофаа системаларини яна анча чеклаш, ядро қуролини ер остида портлатишни баҳамжиҳат чеклаш, стратегик ҳужум қуролларини янада чеклашга қаратилган янги куч-ғайратлар ва бошқа бир қанча тадбирлар — шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, тинчлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг ўзимиз биргаликда белгилаб олган йўлидан анча олға силжиганлигимизни билдиради.

Бу комплекс янада кенгроқ бўлиши ҳам мумкин эди, албатта, Аммо бу гал эришилган силжишнинг ўзи ҳам халқаро кескинликни юмшатишни сезиларли равишда мустаҳкамлайди ва чуқурлаштиради, бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилади.

Учрашувимиз давомида СССР билан АҚШ ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида имзоланган битимлар ҳам Совет — Америка муносабатлари тинмай тобора ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Келгусида иккала улуғ халқнинг ва бутун одамлари тинч одамларнинг манфаати йўлида ҳамкорлик қилиш учун янги уфқлар, янги соҳалар очилмоқда. Кенг кўламдаги иқтисодий лойиҳаларда ва энергиянинг янги манбаларини ўзлаштиришда, транспорт магистралларида, олимларнинг лабораторияларида, архитекторларнинг лойиҳалаш залларида — ҳамма жойда мамлакатларимизнинг одамларининг тинчлиги ва яхшироқ яшаши йўлидаги самарали ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги кўртаклари униб чиқаверади.

Президент жаноблари, олий даражадаги учрашувлар Совет — Америка муносабатларини яхши, ижобий руҳда ривожлантириш учун нақадар аҳамиятли эканлиги шу кунларда аққол намоён бўлди, десам, назаримда, шу фикримга қўшиларсиз, деб ўйлайман. Бу учрашувлар кўпгина проблемаларни, шу жумладан энг қийин ва мураккаб проблемаларни ҳал этишга тарихий истиқболни ва халқларнинг доимий манфаатларини ҳисобга олиб, кенгроқ назар билан қараш имкониятини осонлаштиради. Бу учрашувлар давлат аппаратининг ҳамма бўғинлари ишида, иккала томоннинг турли лавозимдаги вакилларига мадад беради.

Шу муносабат билан биз ўз раҳбарларининг топшириғига биноан шу учрашувни ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаш соҳасидаги катта ва сермеҳнат ишда қатнашган дипломатия, ташқи савдо ва бошқа идораларимиз, муассасаларимиз ва ташкилотларимизнинг ҳамма ходимларига миннатдорчилигимизни билдирамиз, деб ўйлайман.

Халқаро проблемалар хусусидаги музокараларимиз тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Президент Никсон билан бўлган аввалги учрашувларимиз вақтидаги каби бу сафарги музокаралар ҳам муфассал, гоят ошкора ва фойдали бўлди.

Бир қанча конкрет масалалар хусусида иккала мамлакатимизнинг қарашлари ва позицияларидаги ҳамма тафовутларга қарамай музокараларда Совет томонидан қатнашган кишилар, чамаси, Америка томонидан қатнашган кишилар ҳам ялпи тинчликни мустаҳкамлаш машҳур тинч-тотув яшаш принциплари ва БМТ Устави қоидалари руҳида тинч ҳамкорлик қилиши учун шарт-шароит яратиш соҳасида СССР билан АҚШнинг биргаликда ёки ёнма-ён куч-ғайрат сарфлашларини бениҳоя муҳим иш деб ҳисоблаб келдилар ва шундай деб ҳисоблайдилар.

Шу маънода Совет — Америка муносабатларининг яхшиланиши нақадар фойдали таъсир ўтказиши мумкинлигини ўтган икки йил тажрибаси кўрсатиб берди. Бу муносабатларнинг яхшиланиши Вьетнамдаги урушни тўхтатишда ҳам, Яқин Шарқдаги можарони тинч бартараф этиш йўлида муайян силжишга эришиш учун шарт-шароит яратишда ҳам, Умумевропа кенгашини чақиришда ҳам ўзининг ижобий ролини ўйнади, албатта.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вазифа бошланган ишни муваффақиятли тугаллашдан, шунингдек бундан буён ҳам Совет — Америка муносабатларининг ривожи ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигига фойда келтира берадиган бўлишини таъминлашдан иборат.

Музокараларимизнинг сиёсий якунлари иккала томоннинг мамлакатларимиз ўртасида кўп соҳалардаги алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда кенгайтиришни давом эттиришга ва халқаро майдонда кескинликни юмшатиш ва тинчлик манфаатларини кўзлаб иш кўришга аҳд қилганлигининг янги исботи бўлади, десам муболаға қилмаган бўламан, деб ўйлайман. Музокаралардан айни шуни кутаётган эдик, шу боисдан ҳам музокараларнинг натижаларидан мамнун эканлигимизни изҳор этамиз.

Президент жаноблари, шу натижаларга эришишга сизнинг қўшган ҳиссангизни қадрлаймиз ва сизга, АҚШнинг бутун маъмуриятига, мамлакатингизнинг конгрессига шу учрашув кунларида имзоланган ҳужжатларга, шунингдек бутун ер юзидаги ўнлаб имзоланган Совет — Америка ҳужжатларида ҳам асос солинган тинчлик, тобора кучайиб бораётган ишонч ва фойдали ҳамкорликнинг яхши негизларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилаймиз.

Сиз шунга ишонишингиз мумкинки, Совет Иттифоқи раҳбарлари бутун совет халқининг якдил қўллаб-қувватлаши билан бу йўлда ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиладилар.

Президент жаноблари, сиз ва Никсон хоним Қримга ва Белоруссияга қилган сафарингиздан яхши таассуротлар олиб келганингиздан хурсандмиз. Ўз навбатида мен ҳам ўтган йилнинг ёзида АҚШда ўтказган ишларимни мамнуният билан эслайман ва келгуси йилда АҚШга янги визит билан боришга таклиф қилганлигингиз учун Президент жанобларига ташаккур билдираман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, Президент жанобларини АҚШнинг якинлашиб келаётган миллий байрами — Мустақиллик куни билан табриклайман ва Америка халқига тинчлик, бахт-саодат, осойишталик тилайман.

Америка Қўшма Штатларининг Президенти Ричард Никсоннинг ва Патриция Никсон хонимнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

Совет халқи билан Америка халқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш учун!

Барча халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик учун!

* * *

Ричард М. Никсон ва Л. И. Брежнев нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ГАВАНА.** Мамлакатни социал-иқтисодий ва маданий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш мақсадларида Куба Министрлар Совети ҳузурида фан ва техника миллий кенгаши таъсис этилди.

◆ **БУДАПЕШТ.** Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати билан Португалия Республикаси муваққат ҳукумати иккала мамлакат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабати ўрнатишга қарор қилдилар.

◆ **СОФИЯ.** Плевен шаҳрида Болгарияда биринчи соғлиқни сақлаш тарихий музейи очилди. Округ касалхонаси биноларидан бирида жойлашган музей залларига медицина асбоб-ускуналари, республикада медицинани ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар, медицина адабиётлари қўйилган.

◆ **БУХАРЕСТ.** Руминиянинг Бирлад шаҳридаги подшипник заводида янги автоматлаштирилган цех ишга тушди. Цех бир йилда 11,5 миллион дона подшипник ишлаб чиқаради.

◆ **МОГАДИШО.** Сомали халқи мамлакат мустақиллигининг 14 йиллигини тантанали нишонлади. Республика шаҳарлари ва аҳоли пунктларида жамоатчиликнинг намойишлари ва йиғилишлари, миллий озодлик ҳаракати ветеранлари билан учрашувлари бўлди.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистоннинг турли штатларида сўнгги 15 йил мобайнида ярим миллион гектар ер ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берилди. Ғарбий Бенгалиянинг ўзидагина шу йилларда 550 минг деҳқон ер олди. (ТАСС).

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

Магдебургдаги Гельман номли байроқдор машинасозлик заводининг маҳсулоти жаҳоннинг 22 мамлакатига маълум. Корхона СССРга 160 та цемент корхонаси учун технология линияси етказиб берди. Магдебургда тайёрланган кранлар Волгоград ва Куйбишев сув омборларида ишлатилаётир. Комбинат СССР, Польша, Венгрия, Болгариядаги тўрдош корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Комбинат совет «Техпромэкспорт» билан ҳамкорликда Жазоирдаги сим ва Туркиядаги пўлат эритиш комплекси заводлари қурилишларида қатнашган.

ШАҲАРЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

— Шаҳримизни янада обод ва кўркам қиламиз — Германия Демократик Республикаси аҳолисининг шиори шундай бўлиб қолди. Бу ҳаракат немис ишчи-деҳқон ҳукуматининг чорак асрлик юбилейи шарафига ўтказилаётир. ГДР меҳнаткашлари бўш вақтларида кўча ва йўлкаларни тозалашмоқда, янги боғ ташкил этиб, мавжуд боғларни кенгайтиришяпти, мактаблар, дам олиш уйлари қурилишига, спорт комплексларини барпо этишга кўмаклашаётирлар. Ўтган йили кўнгилли меҳнат йўли билан болалар боғчаси ва ясли-сида қариб саккиз минг кўшимча ўринлар тайёрланди. 13.400 та эски уй-жой бинолари ободонлаштирилди.

КОРХОНАЛАРДА КУТУБХОНАЛАР

ГДРнинг завод ва фабрикаларида 2.300 та кутубхона ишлаб турибди. Уларнинг икки миллионга яқин ўқувчиси бор. Маъмурият ва касаба союзларининг комитетлари китоб фондини оширишга катта эътибор беришаётир. Кўпма кутубхоналар заводларнинг айрим цехлари ва филиалларига адабиётлар келтириб беришмоқда.

(АПН).

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛ

БУЭНОС-АЙРЕС, 2 июль. (ТАСС). Аргентина Республикасининг президенти вафот этганлиги муносабати билан мамлакатнинг конституциясига мувофиқ вице-президент Мария Эстела Мартинес де Перон президентлик лавозимини эгаллади. Мария Перон олий судни, сенатни ва миллий конгресс депутатлари палатасини шу тўғрида расман хабардор қилди. Президентнинг декрети билан ҳукумат аввалги составда сақлаб қолинди.

Қуриқлиқдаги қўшинлар олий қўмондонлиги «Аргентина республикаси муассасаларининг миллий конституция доирасида стабиллигини» сақлаб қолажагини айтди. Бундан аввал мамлакатнинг ҳарбий денгиз кучлари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонликлари ҳам шундай деган эдилар.

Сиёсий партиялар, касаба союзлар, жамоат ташкилотлари янги президент ва конституция тартиботларини қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Аргентина Коммунистик партияси берган баёнотда президент Перон демократияни мустаҳкамлашга, миллий бирликка эришишга, ўз ҳукуматининг ташқи сиёсати Аргентина манфаатларига мос бўлиб тушишига куч-ғайрат сарфлаган эди, дейилади.

Компартия Аргентина халқига мурожаат қилиб, бирликни мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатни демократлаштириш процессини ривожлантириш ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашни давом эттиришга даъват этди.

ЧИЛИДА ТОШҚИН

БУЭНОС-АЙРЕС, 2 июль. (ТАСС). Чилининг марказий қисмидаги 13 вилоятда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Мамлакатнинг шу қисмидаги қучли жала ва қор кўчкилари жиддий тошқинга сабаб бўлди. Сантъягодан хабар беришларича табиий офат юз берган районларда ўнлаб одамлар ҳалок бўлган. Кўприклар, тош йўллар бузилган, телефон алоқалари издан чиққан. Кўплаб чорва моллари нобуд бўлди, катта-катта экинзорлар пайҳон бўлиб кетди. Минглаб чиниликлар бошпанасиз қолди. Табиий офат юз берган зонада очарчилик хавфи туғилди.

ПРАГА. XIV асрда чех усталари томонидан Влтава дарёси устига қурилган Карлова кўпригини реставрация қилиш ишлари тугалланди. Ажойиб скульптура ёдгорликлари билан безатилган бу нўхна кўприк ҳанузгача кишиларга хизмат қилмоқда. Урта аср меъморчилигининг бу ноёб ёдгорлигини асраб қолиш мақсадида кўприкдан машиналар ўтиши ман этилди. Суратда: Карлова кўпригн.

ЧТК-ТАСС фотоси.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Шу йил 2 июль қуни СССР Ташқи ишлар министрлигида Буюк Британиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Доббса Лондонда гастролларда бўлган Большой театрнинг балет труппасига нисбатан Совет Иттифоқига душман бўлган сионист унсурларнинг ва бошқа унсурларнинг тўхтовсиз давом этаётган безорилик хуружлари ва бевосита игвогарлик ҳаракатлари хусусида тақдимнома берилди.

Инглиз маъмурларининг эътибори Большой театр артистларининг коллективи учун Англияда вужудга келтирилган вазиятга йўл қўйиш мумкин эмаслигига қаратилди. Буюк Британиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакилига: башарти инглиз маъмурлари Большой театр балетининг гастролларини давом эттириш учун нормал шароит яратиш борасида ҳамма зарур чораларни кўрмайдиган бўлса, Совет томони шу гастролларни давом эттириш мақсадга мувофиқми-йўқми эканлиги масаласини ҳал этишга мажбур бўлади, деб айтилди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги ва республика медицина саноатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Узбекистон ССР Госплани соғлиқни сақлаш ва медицина саноати бўлимининг бошлиғи Марк Наумович **Сиротинскийга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика халқ хўжалигида кўп йил бенуқсон ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи Собир **Носировни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БУХОРО ОБЛАСТИ ҲАФТАЛИГИ

УЗБЕКИСТОН ССР ВА УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

БЕБАҲО ХАЗИНА

«Авангард» совхози рандаги энг кенжа хўжаликлардан бири ҳисобланади. Аммо совхозимизнинг истиқболи порлоқ. У йил сайин, ой сайин ўсиб, улғайиб, юксалиб боряпти. Шу хўжаликнинг аъзоси бўлганим учун ҳам коллективимиз амалга ошираётган вазифалар беш қўлдек менга аён. Беш йилликнинг белгиловчи йилида эришган муваффақиятларимизнинг ўзиёқ совхозимиз ёрқин истиқболидан далолат бериб турибди.

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйи байрам қилинадиган йилда совхозимиз бўйича ҳар юз совлиқдан 137 тадан соғлом қўзи олинди. 17759 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Устиришга қўзи қолдириш бўйича белгиланган план қариб 170 процент бажарилди.

Ўзим ҳам кўпчиликдан ортда қолганим йўқ. Отаримдаги ҳар юз совлиқдан 210 тадан соғлом қўзи олдим. Бу — ўтган йилги кўрсаткичдан анча зиёддир. Бундан ташқари эл дастурхонига гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиш бўйича ярим йиллик планни ҳам ошириб бажаришга эришдик. Бу, чўпон-чўлиқларимизнинг даромади ошиб, маданий турмуш даражаси янада яхшиланишидан далолат.

Районимиз хўжаликлари давлатга гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларидан ташқари, жаҳонга довруғи кетган камалакдек сержило қоракўл терилари етказиб беришга ихтисослашган. Областимиз марказига бирор иш билан борсам, албатта шаҳардаги қоракўл тери ошлаш заводига ҳам бирров ўтаман. Етказиб бераётган териларимиз қайта ишланиб, қандай ҳом ашё тайёрланаётганини кўздан кечираман. Завод ишчиларининг биз жўнатган терилар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитаман. Чет эллардан қоракўл терилари ошлаш заводига келиб, қимматбаҳо қоракўл териларимизга қойил қолган сайёҳларни, улардан кийим тикиб, фахрланиб кийиб юрган кишиларни кўрганимда қалбим қувончларга тўлади. Тўккан пешанам терларимиз муносиб баҳоланаётганидан севинаман.

Партия ва ҳукуматимизнинг чўпон-чўлиқларга оталарча кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли биз кўпгина машақатлардан қутилдик, оғирлиги енгил бўлди. Турмушимиз яхшиланди. Автотранспорт ва самолётлар билан бизларга ҳамиша мадад ва ёрдам кўрсатилаётганлиги кучимизга куч қўшмоқда. Чўпонларимиз тегишли иш қуроллари, механизмлар, сув қудуқлари, махсус кийим-бошлар билан таъминланган. Газета, журналларни ўз вақтида олиб турамиз. Ҳозирги чўпонларимиз — бахтиёр кишилардир. Улар тадбиркор, ишбилармон, саводхон чўпонлардир. Бугунги сермавж ҳаётимизни революциядан олдинги турмуш билан солиштиргудек бўлсак, ер билан осмонча тафовут борлиги аён бўлади.

Илгарилари чўпонлар кеча-кундуз кўй кетидан юриб, таркок ва якка хўжалик ҳолда эўрга ҳаёт кечирардилар. Киш қаттиқ келса ёки бирор табиий офат рўй берса, чорвадорнинг шўри қуриди. Эндиликда биз ҳар томонлама ғамхўрликлар билан қуршаб олинганмиз.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин Бухорода амирлик салтанати емирилгач, 1921 йилда Қизилқум сахросида Томди ва Мингбулоқ бўлислари ташкил этилди. Шундан кейин чўл ва сахролардаги чорвадорларимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади. 1928 йилнинг 27 апрелида Томди райони ташкил этилиб, у қоракўлчиликка ихтисослаштирилди. Район территориясидаги бехисоб ер ости бойликлари ҳам инсон хизматига топшириларди. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида қоракўл қўйлар, туялар ва йилқилар сони 1970 йилдагига нисбатан бир неча минг бошга кўпайди. Шу йиллар мобайнида районимиз хўжаликлари давлатга 16 минг тонна гўшт, 6 минг тоннага яқин сифатли жун, 850 минг дона юқори сифатли қоракўл тери етиштириб беришди. Қайта ишлашга жўнатилаётган терилари тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан жуда яхши баҳоланмоқда. Бизнинг адресимизга миннатдорчилик хатлари келиб туради. Бу хатлар маҳсулотимиз сифатини янада яхшилашга, унинг тур ва хилларини оширишга, салмоғини кўпайтиришга ундамоқда.

Хўжаликларимизда ўтган йили совлиқлардан қўзи олиш плани 113 процент бажарилди. Районимиз бўйича 157 минг 651 ўрнига 208 минг 400 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Чўпон-чўлиқларимиз, қоракўлчилик билан шуғулланаётган мутахассисларимиз донгдор чўпон, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси Жабай ота Балиманов яратиб берган тажриба мактабига таянган ҳолда иш тутиб, муттасил яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган эллик йил ичида Бухоро қоракўлчилиги жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати, «Томди» Давлат наслчилик заводининг бош чўпони Қалабой Абдурахмонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алимқул Нисанбаев. Ленин орденли чўпон Раис Нурсеитов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Сарсенбой Чектибаев, Қалинбет Қўстемиров, Турдибек Баишев, Байтлев Айтманов, Идрис Даулетов каби меҳнатсевар ва жонкуяр чўпонларимизни барча ҳурмат билан тилга олади.

Районимиз маркази обод ва гўзал шаҳарчадан қолишмайди. Бу ерда қозоқ, қоракалпоқ, ўзбек, рус, грузин, украин, арман, бошқирд, татар ва бошқа миллат фарзандлари ягона мақсад билан меҳнат қилаётир. Районимиз территорияси 86900 квадрат километр бўлиб, қўшиб ҳисоблаганда Бельгия, Люксембург, Швейцария ва Австрия мамлакатларининг территориясига тенг. Ер усти ва ости бебаҳо бойликларга мўл, беғоён қир ва адирларимиздан доимо файз-тароват аримайди.

Юбилей йилининг ўтган ярмида районимиз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 135,2 тадан соғлом қўзи олинди. 184 минг 211 қўзи ўстиришга қолдирилди. Қоракўл тери топшириш плани 105,4 процент бажарилди. Биз яқин йиллар ичида 1 миллион 190 минг гектар янги яйлов ўзлаштирамиз. Бу қоракўлчилигимизнинг порлоқ истиқболидан, чорва молларимиз салмоғи янада ортишидан нишонадир.

Қ. ДАНБАЕВ,

Томди район «Авангард» совхозининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли бош чўпони, СССР Олий Советининг депутати.

ШАХСИЙ ТРАКТОР

Машинанинг кабинасига шундай сўзлар ёзилган: «Меҳнатда юксак муваффақиятларга эришганлиги учун Роҳатов Қўчқорга атаб Олтой трактор заводида тайёрланган».

Эсдалик ёзуви ёзилган Т-н трактори Чуст районидаги Ленин номли колхозининг механизатори Қ. Роҳатовга тантанали суратда топширилди. Рубцовск тракторсозларининг бундай ҳурмат-эҳтиромига ўзбек пахтакори қандай қилиб сазовор бўлди!

Роҳатов юксак маҳоратли ва катта тажрибага эга бўлган тракторчидир. У Олтой заводининг машинасида уч йил сурункасига капитал ва жорий ремонт қилмай ишлаб, ҳар йили жуда катта ҳажмдаги ишларни бажарди: 1400-1500 гектар чамаси ерни ҳайда-ди. Ҳозирги юбилей йилида у пахта далаларида учинчи культивацияни тамомлаяпти ҳамда ўзининг ҳисоб варақасига қарийб 600 эталон гектар ерни ёзиб қўйди. Қўчқор техникани асраб-авайлаганлиги сабабли муваффақиятларга эришмоқда, унинг бошқа сири йўқ.

Машҳур механизатор зарбдор меҳнати учун бир неча марта колхоз мукофотларига сазовор бўлган. Механизатор тракторни олганига уч йил бўлганида (машина ҳозир ҳам яп-янгидай кўринади) хўжалик раҳбарлари Олтой трактор заводига шу ҳақда хабар беришди. Сизнинг тракторингиз моҳирлик билан фойдаланганда ўзининг юқори техник сифатини кўрсатди, аъло кўрсаткичларга эришишга имкон берди, деб ёзишди хўжалик раҳбарлари.

Олтой ишчилари шу мактубни олгач колхозчини алоҳида тақдирлашди — Қўчқорнинг номига атаб колхозга «шахсий трактор» юборишди.

Р. БИЧУРИН,
ЎзТАГ мухбири.

СССР ХАЛҚЛАРИ VI СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН.

⊙

ИШЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ.

⊙

КАСБИМ — ФАХРИМ.

⊙

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҚУЛАЙЛИК.

⊙

ХИЛМА-ХИЛ КОНСЕРВАЛАР.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Суратдаги бу қизлар Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда ташкил этилган «Гулноз» ансамблининг қатнашчилари. Улар ўз маҳоратлари билан санъат шинавандаларини хушнуд қилишмоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

АССАЛОМ, МАКТАБ

Наманган область Норин районидаги Пушкин номли 1-мактабда бундан 20 йил илгари 10-синфни битириб кетган мактабдошларнинг анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. Кечага шу илм даргоҳини битириб, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида ишлаётган тенгдошлар таклиф қилинди.

Мактабнинг ташкил этилганига 35 йил бўлди. Шу муддат ичида унда таълим олган беш мингга яқин йигит ва қиз олий ўқув юртларини битириб чиқишди.

Тошкентдаги Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими Мамажон Алибоев, политехника институтининг катта ўқитувчиси Одилжон Қаҳҳоров, Избоскандаги Мичурин номли мактаб директори республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдурашид Болтабоев, район халқ маорифи бўлимининг мудири Собиржон Раҳимжонов, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Абдумажид Боймирзаев шу мактабда таҳсил кўриб, ҳаётга йўлланма олган кишилардир.

Кечада устоз ва шогирдлар бир-бирларни самимий табриклаб, яхши истаклар билдиришди. Райондаги бошқа мактабларда ҳамда илм даргоҳларини битириб кетганларнинг учрашувлари бўлиб турибди.

Ж. АБДУРАҲМОНОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ—ҲАММАНИНГ ИШИ

ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Маънавий жиҳатдан бой, ахлоқли ва жисмонан баркамол коммунизм бунёдкорини тарбиялаш воситалари ичида жисмоний тарбия билан спортга катта ўрин берилган. Мамлакатимизда физкультура-спорт совет кишиси саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва умрбоқийликни таъминлашнинг муҳим омили ҳам саналади. Коммунистик партия ва Совет давлати шу боисдан ҳам жисмоний тарбия ва спортни ҳар тарафлама ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келадилар. Партия ва ҳукуматимизнинг физкультура ва спортни янада ривожлантиришга оид кейинги йилдардаги қарорлари, республикамизда партия активи йиғилиши ўтказилиши ва бошқа тадбирлар ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларига амал қилиб, партия ва ҳукуматимиз қарорларини бажара бориб областимизнинг партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари физкультура ва спорт масалаларига эътиборни кучайтирдилар, жисмоний тарбия ва спорт ишлари масалаларини чуқурроқ ва тезтез муҳокама этиб, ўз фаолиятларида спорт ташкилотларига кундалик ёрдам кўрсатмоқдалар. Кейинги бир ярим йил мобайнида область партия комитети билан область ижроия комитети физкультура ва спортни ривожлантириш, турли спорт тадбирларини амалга оширишга тайёргарлик кўриш юзасидан ўн марта йиғилиш ўтказдилар. Область партия активи йиғилиши ҳам шу масалага бағишланди.

Кейинги йилларда областимизда партия ташкилотлари раҳбарлигида совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ёрдами билан физкультура ва спортни ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Натижада ёлғиз 1973 йилдагина бир спорт мастери, ўн бир мастерликка номзод, 110 биринчи разрядли ва 12 минг оммавий разрядли спортчи тайёрланди. Кейинги уч йил мобайнида физкультурачилар сафига яна 16 минг киши қўшилди. Ҳозирги кунда бизда тўрт стадион, 42 спорт зали, тўрт сузиш бассейни, уч мерганлик тири, 600 дан ортиқ спорт майдончалари 363 физкультура коллективига бирлашган 73 мингдан ортиқ физкультурачи ихтиёрида.

Корхона, ташкилот, колхоз ва совхоз раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш манбаи бўлган физкультура-спортни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларини уюштириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. «Малик» совхозидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида бошланғич партия ташкилоти маъмурият билан ҳамкорликда амалга оширган ибратли ишлар туфайли талабаларнинг 90 проценти физкультурачи ҳисобланади, ўқитувчи ва ходимлар ҳам спорт машғулотларига жалб этилган. Техникумда 14 спорт секцияси ишлаб турибди.

Областда идеология ишининг муҳим жабҳаси — физкультура ва спортни ривожлантиришда ГТО янги комплекси жорий этилиши аҳамиятига алоҳида тўхталиш керак. Оммавий физкультура ҳаракатини умумхалқ физкультура ҳаракатига айлантиришдек муҳим проблемани ҳал этишда асосий қурол бўлган ГТО комплекси нормативларини топширишга меҳнаткашлар кенг оммаси актив жалб этилмоқда. Утган икки йил мобайнида 26 минг киши ГТО нишондори бўлди. Физкультура ва комсомол ташкилотлари янги комплекси жорий этиш юзасидан катта тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бордилар. ГТО комплекси нормаларини топшириш учун моддий-техника базаси аҳволини текшириш юзасидан қатор рейдлар ўтказилди. Бу масала область партия комитетининг бюросида ҳам муҳокама қилинди.

Физкультура-спортни ривожлантириш, ГТО комплексини жорий этиш, малакали спортчилар тарбиялаб етиштиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Шу боисдан область партия комитети йиғилишида бу масаланинг муҳокама қилиниши ҳозирги кун тақозоси эди. Қолаверса бу масалани муҳокама қилишга тўла асос бор. 1973 йилда областимиз айрим кўрсаткичлар, чунончи аҳолини физкультура ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича республикада олтинчи, оммавий разрядли спортчилар тайёрлаш бўйича ўнинчи, республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этиш бўйича охирги ўринлардан бирини эгаллади.

Жисмоний тарбия ва спорт областда ҳанузгача оммавий тус олганича йўқ. Бу ишдаги энг жиддий камчиликлардан биридир. Натижада физкультурачилар область аҳолисининг 19,3 процентинигина ташкил этади. Ворошилов, Ильич ва Оқ олтин районларида бу кўрсаткич 12-15 процентга тенг. Физкультура ишларини ташкил этишда баъзан меҳнаткашларнинг ёши ва касби, уларнинг истак ва манфаатлари етарлича эътиборга олинмаяпти. Шу боисдан айниқса маҳаллий миллат хотин-қизлари физкультура ва спортдан четда қолиб кетмоқда. Областда 23 минг хотин-қиз фузкультура билан шуғулланаётган бўлса, шулардан 16 минг нафари мактаб ва ўқув юртлари талабасидир.

Кўпгина саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, колхоз ва совхозларда, мактаб ва ўқув юртларида физкультура ва спорт ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Сирдарё ГРЭСи, Гулистон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати, Сирдарёдаги 2513-автобаза каби 1000-1500 киши ишлайдиган йирик корхоналарда физкультура коллективлари номигагина мавжуд. Уларда спорт иншоотларидан фойдаланилмаётир, амалда ҳеч ким спорт билан шуғулланмайди. Боёвут районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги «Ленинград», Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз ва бошқа хўжаликларда ҳам аҳвол шундай. Айниқса Гулистон районида физкультура ва спорт аҳволи ёмон. Райондаги 15 колхознинг ўн биттасида мутлақо спорт ишлари ўтказилмаётир.

Корхона, муассаса, колхоз ва совхоз раҳбарлари орасида ҳам физкультура-спортдек давлат аҳамиятига молик ишга панжа орасидан қаровчи кишилар учраб қолади. Кейинги икки йил мобайнида область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трести, «Голодностепстрой» бошқармаси, область электр тармоклари идораси, пахта тайёрлаш трести, алоқа бошқармаси ва «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ўз қарамоғидаги ташкилотларда ва тармоқ бўйича физкультура аҳволини бирон марта ҳам муҳокама қилмаганини нормал ҳол деб бўладими? Шунингдек, йирик идораларда физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳамкор советлар тузилмаганини партия қарорларини бажаришга бепарволик билан муносабатда бўлиш деб баҳолаш керак.

Ўқувчилар ва студентлар жисмоний тарбиясида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва Сирдарё педагогика институтида ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳозирги талаблар даражасида эмас. Айниқса қишлоқ мактабларида физкультура дарсларининг ташкилий ва методик даражаси паст, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар қониқарсиз олиб борилмоқда. Бу ҳол Узбекистон ССР Маориф министрлигининг яқинда ўтказилган коллегиясида ҳам алоҳида таъкидланди ва унда ўқувчиларни физкультурага жалб этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Сиёсий ва давлат аҳамиятига молик иш — ГТО комплексини жорий этиш барча физкультура ташкилотларининг асосий ва узоқ муддатга мўлжалланган иши бўлиб, партия ташкилотлари назорат қилиш ва ёрдам бериш билан бирга физкультурани ривожлантириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб боришлари керак. Бу ишда касаба союзларининг ёрдами катта. Физкультура ва спортни ривожлантиришда ишчилар, колхозчилар ва ўқувчи ёшларнинг кўпчилигини физкультура ҳаракатига жалб этиш ишлаб чиқариш ва таълим-тарбия ишининг ажралмас қисми эканини унутмаслик зарур.

Областда физкультура ва спортни ривожлантириш бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетларининг бу жабҳага қандай раҳбарлик қилишига боғлиқ. Партия ташкилотлари физкультура ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга аҳамият бериб, меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишда, оммани коммунистик руҳда тарбиялашда физкультура ва спортдан янада кенгроқ фойдаланишлари керак.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XV пленумида физкультура ва спортни янада ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Пленум қарори асосида чўлқуварлар ўлкаси бўлган областимизда жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада яхшилаш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар белгилаб олдик. Уларни амалга ошириш меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Республикамиз катта воқеа—Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги бўсағасида турибди. Область партия ташкилотларининг бутун фаолияти барча ғоявий-сиёсий ишларни, шу жумладан физкультура ва спортни янада активлаштиришга қаратилмоғи керак. Физкультура ташкилотлари ва спорт жамоатчилиги эса юбилейни СССР халқлари VI спартакиадасига муносиб тайёргарлик кўриш билан кутиб оладилар.

М. УМБЕТОВ,
Узбекистон КП Сирдарё область комитети секретари.

ВЕНГРИЯ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда «Икарус» белгиси қўйилган сариғ рангдаги автобуслар пайдо бўлганидан буён кўп вақт ўтганч йўқ. Тошкентликлар яна бир воқеанинг шоҳиди бўлишди: Тошкентда Венгрия автобуслари ва гараж ускуналари кўргазмаси очилди. Ҳамшаҳарларимиз ҳар куни ўзлари тушиб юрган ўша сариғ машиналарни яратган Венгрия мутахассислари билан учрашдилар.

Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси биносида очилган Венгрия кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Венгрия автобуслари ва гараж ускуналари кўргазмасида «Могюрт» ташқи савдо корхонаси вакиллари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳақида томошабинларга мароқ билан ҳикоя қилиб беришмоқда. Венгрия корхонаси 30 дан ортиқ мамлакатга автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотмоқда. Яқингинада 25 йиллигини нишонлаган бу корхона Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаяпти. «Икарус» белгиси қўйилган машиналардан анчагинасидан ҳозир Совет Иттифоқи республикаларида фойдаланилмоқда. Бундай машиналарнинг 400 тадан кўпроғи Узбекистон йўловчилари хизматида. Венгрия Халқ Республикаси шунингдек, кооператив усулида енгил машиналар ишлаб чиқариш бўйича СССР билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Кўргазмада Узбекистон автомобиль саноати мутахассислари учун суҳбатлар уюштирилмоқда. Венгриялик автобусчи конструкторлар ўзлари ишлаб чиқарган машиналардан фойдаланиш ҳақида йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар беришяпти. Улар Венгрия машиналари ҳақидаги мулоҳаза ва истакларни ҳам ўрганишмоқда. Совет ва венгер автобусчилари ҳамкорлигида янги типдаги пассажир автобуслари яратилмоқда. Бундай машиналарнинг дастлабки лари 1980 йилда ишлаб чиқарила бошлайди.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ

1974—75 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Андижон шаҳри, Ленин кўчаси, 8-уй)
Кундузги ўқишга: она тили ва адабиёти, математика, физика, тарих, жисмоний тарбия, химия.

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Бухоро шаҳри, «Узбекистон 40 йиллиги» кўчаси, 11-уй).
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, физика, география, тарих, чизмачилик ва расм, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, геология ва қишлоқ хўжалик асослари, педагогика ва бошланғич таълим методикаси;
Кечки ўқишга: чет тили.

ҚУҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Қўқон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 63-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, педагогика ва психология (мактабгача), жисмоний тарбия, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, математика.

ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, физика, тарих, умумий техника фанлари ва меҳнат, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, география, жисмоний тарбия.

НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Наманган шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 63-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, физика, география, жисмоний тарбия, умумий техника фанлари ва меҳнат.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри-110, Литературная кўчаси, 4-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Самарқанд шаҳри, Красноармейская шоссеси, 166-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, математика, физика, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, чет тили;
Кечки ўқишга: чет тили.

СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Сирдарё шаҳри, Ленин кўчаси, 86-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, математика, физика.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1«а»-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, география, умумий техника фанлари ва меҳнат.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, математика, физика, умумий техника фанлари ва меҳнат, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, химия, география, тарих, чизмачилик ва расм, педагогика ва психология (мактабгача), дефектология, музика ва ашула, биология;
Кечки ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, математика, физика, умумий техника фанлари ва меҳнат, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Термиз шаҳри, Фрунзе кўчаси, 43-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, физика, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, жисмоний тарбия.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Фарғона шаҳри, Педагогика кўчаси, 19-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, физика, биология, тарих, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, химия, география;
Кечки ўқишга: чет тили.

ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй)
Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, чет тили, математика, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, химия.

ЭСЛАТМА: СССР Олий ўқув юртларига қабул қилиш қондалари газетанинг 7 июнь сонида эълон қилинган.

СПОРТ

САМБО. Курашчиларнинг Испания пойтахтидаги бир-бирига уланиб кетган уч йирик мусобақасида совет спортчилари 22 олтин, 7 кумуш ва бир бронза медаль олдилар. Бунга самбочиларимиз ҳам самарали ҳисса қўшишди. Ўн вазн тоифасидаги беллашувларнинг саккизтасини улар ғалаба билан тугатдилар. Европа чемпиони номини олганлар орасида бухоролик Собир Қурбонов билан андижонлик Мелхис Ан ҳам бор. Дарвоқе М. Ан бу ғалаба билан халқаро классдаги спорт мастери нормативини бажарди.

ШАХМАТ. Франциянинг Ницца шаҳрида шахмат олимпиадаси ниҳоясига етди. 74 мамлакат командаси иштирок этган улкан мусобақа совет «шахмат мактаби» устуни эканини кўрсатди. СССР терма командаси аъзолари бирон марта ҳам мағлубиятга учрамай, 46 очко тўплаб, турнир жадвалининг энг юқори погонасига кўтарилдилар. Иккинчи ўринни олган Югославия командасида уларга нисбатан 8,5 очко кам.

ЎЗБЕКИСТОН Ахборот

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИДАН

НАМУНАВИЙ МЕҲНАТ ҲАФТАЛИГИ

Бухоро таксомотор парки транспортчилари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун мусобақани кучайтириб юборишдилар. Бу ерда «Касбим — фахрим» шиори остида намунавий меҳнат ҳафталиклари ўтказиляпти. Пассажирларга намунали хизмат кўрсатиш, ёнилғи тежаш ва транспорт воситаларининг узоқ муддат ремонтсиз ҳаракат қилишини таъминлаш учун мусобақа авж олиб кетди. Намунавий меҳнат ҳафталиклари ўз вақтида яхшиланиб борилмоқда. Илғор тажрибалар транспортчилар даврасида кенг ёйилмоқда.

Таксичилар йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш, ёнилғи тежаш ва машиналар ҳаранати хавфсизлигини таъминлашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Намунавий меҳнат ҳафталиклари ғолиблари орасида Икромжон Фаттоев, Василий Романов, Эркин Набиев, Петр Павлов, Ҳошим Қирғизбоев, Александр Куликов каби коммунистик меҳнат зарбдорларининг номларини таъкидлаш мумкин. Уларнинг юбилей олди мусобақасида қўлга киритган ютуқлари коллективнинг тўққизинчи беш йиллиқнинг белгиловчи йили планларини ва мажбуриятларини муваффақиятли бажаришига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

ЯНГИ КОРХОНА

Ленинград районида янги консерва заводи ишга туширилди. Корхона йилига 3 миллион шартли банка консерва тайёрлайди. 1976 йилга бориб Фарғона областидаги бу корхона лойиҳадагидек қувват билан ишга туширилгач, 20 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу ерда мураббо, мева шарбати ва консерваси тайёрланмоқда.

СОВҒА

Қўқон шаҳар ва Қўқон группа районлари аҳолисига яқинда яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга тушди. 15-қурилиш трестининг 113-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бунёд этган мазкур корхона аҳоли учун кўп миқдорда ҳар хил мебель, қурилиш материаллари, эшик, ром, каравот ва ҳонтахталар тайёрлаб беради.

О. ҲАКИМОВ.

Редактор ўринбосари
Х. ЁДГОРОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/VII да **Комиссия**, 6/VII да **Абу Райҳон Беруний**, 7/VII да **Йўқолган узук**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Калинниковнинг иш кунлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қора пайпоқ — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КЎКЧА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирди — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора пайпоқ — «ХИВА».

Зўраки жосус — ТЕЛЬМАН номли.

МОДАЛАР УЙИНИНГ ҚЎРГАЗМА ЗАЛИДА

1975 ЙИЛГИ ПОПАФЗАЛЛАР САВДОСИ БЎЙИЧА

14 РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ярмарнада республикамиздаги 12 та пойафзал корхонасининг моделлари намойиш қилинади.

Ярмарка 6 июлгача давом этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01623. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 155.